

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭРНАЗАРОВ МУХАММАД МУРОДУЛЛОЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КЕЧИШИДА ЖИГАР
ФИБРОЗИ ВА ИММУН – ЯЛЛИГЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМДА
ИЧАК МИКРОБИОЦЕНОЗИНИНГ ТУТГАН ЎРНИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эрназаров Мухаммад Муродуллоевич

Сурункали юрак етишмовчилиги кечишида жигар фибрози

ва иммун – яллиғланиш жараёнлари хамда

ичак микробиоценозини тутган ўрнини баҳолаш..... 3

Эрназаров Мухаммад Муродуллоевич

Оценка роли фиброза печени и иммунновоспалительных

процессов, а также микробиоценоза кишечника при

хронической сердечной недостаточности..... 25

Ernazarov Muhammad Murodulloevich

Assessment of the role of liver fibrosis and

immune – inflammatory processes, as well as

intestinal microbiocenosis in chronic heart failure..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭРНАЗАРОВ МУХАММАД МУРОДУЛЛОЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КЕЧИШИДА ЖИГАР
ФИБРОЗИ ВА ИММУН – ЯЛЛИГЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМДА
ИЧАК МИКРОБИОЦЕНОЗИНИНГ ТУТГАН ЎРНИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2PhD/Tib1887** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбонов Абдуқодир Кенжаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Розыходжаева Гулнора Ахмедовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Мирвосит Мирвосикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «28» 28 соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (786 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» сентябр да тарқатилди.

(2021 йил « » даги рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Т. Даминова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошндаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) юрак - қон томир касалликлари ва бошқа коморбид хасталиклар оқибатида юзага келадиган клиник синдром бўлиб, унда нейрогормонал тизимнинг сурункали фаоллашиши кузатилади. Расмий эпидемиологик маълумотларга кўра, «...иктисодий ривожланган мамлакатларда СЮЕга чалинган беморлар умумий аҳолининг 1 - 2%ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар ёш ошишига қараб кўпайиб, популяциядаги 70 ёшдан юқоридагиларда 20%гача етиб боради...»¹. Сўнгги йилларда СЮЕни аҳоли орасида кўп учрашига сабаб, биринчидан юрак - қон томир касалликлари билан хасталанган беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошиши бўлса, иккинчидан аҳоли турмуш шароитини яхшиланиши ҳисобига уларнинг ўртача умр кўришини узайтиришидир. Буларнинг барчаси СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида нишон аъзолари шикастланишини эрта ташхислаш, касалликни даволаш ва унинг олдини олиш бўйича янги самарали усулларни излаш ҳамда ўрганиш зарурлигини тақозо қилади.

Дунё миқёсида сурункали юрак етишмовчилиги кечишида нишон аъзоларидаги ўзгаришлар, хусусан жигардаги фиброз жараёнлари, ичак микробиотининг бузилиши, нейрогормонларнинг фаоллашиш механизмларини ўрганишга қаратилган қатор илмий татқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларини касалликнинг клиник белгилари намоён бўлгунча эрта ташхислаш, жумладан касаллик кечишида муҳим ўрин тутган жигардаги фиброз жараёнлари фаоллигини биологик маркерлар ҳамда жигар эластографияси текширувини ўтказиш орқали барвақт аниқлаш, шунингдек, ичак микробиоти бузилишини нейрогормонлар фаоллашиши ва эндотоксинемия билан ўзаро боғлиқлигини асослаш, касалликни муқобил даволаш усулларни ишлаб чиқиш йўналишидаги татқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида юрак қон томир касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида сурункали юрак етишмовчилиги ташхисоти ва даволаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий тиббий хизмат

¹ Мареев В.Ю., Фомин И.В., Агеев Ф.Т. и др. Клинические рекомендации ОССН - РКО - РНМОТ. Сердечная недостаточность: хроническая и острая декомпенсированная. Диагностика, профилактика и лечение // Кардиология. - 2018. – Том. 58 (№6). - С.8 -158.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали асоратлар натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ – 5590 – сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора – тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ - 6110 - сон “Бирламчи тиббий - санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора - тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ – 4891 - сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида” ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор мамлакатларда ўтказилган аксарият тадқиқотларда СЮЕнинг чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚҚОФ) паст гемодинамик фенотипида юзага келадиган патологик оғишлар ўрганилган бўлиб, унинг оралиқ ва сақланган гемодинамик фенотипларида нишон аъзолари, хусусан жигардаги фиброз жараёнлари ҳамда ичак микробиотининг ўзгаришини нейрогормонлар, жумладан фиброз маркерлари ҳисобланган альдостерон, галектин - 3, яллиғланиш олди цитокинлари ва эндотоксинлар фаоллиги билан боғлиқлиги тўлақонли ўрганилмаган.

Бугунги кунда СЮЕнинг хар учала гемодинамик фенотипларини патогенези ва патофизиологияси, унда жигардаги фиброз жараёнлари ва портал гемодинамика ҳолати, ичак дисбиози даражасини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда (Курбанов А.К. ва бошқалар, 2020; Власов А.А. и др., 2020). Ўтказилган тадқиқотларда ичакларда шиш синдроми қанча кучли ривожланган бўлса, қон зардобидаги эндотоксинемия шунчалик юқори бўлиши ва уни СЮЕнинг оғирлик даражаси билан бевосита боғлиқлиги аниқланган (Егорова Е.Н., 2012; Sandek A. et al., 2014). Яна бир тадқиқотда СЮЕда юзага келадиган гемодинамик бузилишлар оқибатида ичакда веноз димланиш, ишемия ва артериал гипоксемия унинг морфологияси, ўтказувчанлиги ва микробиоценозини бузилишига олиб келиши таъкидланган (Pisini E. et al., 2016; Quigley E.M., 2016, Власов А.А., 2020). Бирок, ўтказилган тадқиқотларда СЮЕ мавжуд беморларда грам - манфий бактериялар сонини ошиши ҳамда қон зардобидаги эндотоксин миқдорини юқори бўлиши қайд этилган бўлсада, эндотоксинни ичакларда ишлаб чиқарилишини кучайиши ва уни циркуляцияланувчи қон оқимида қўшилишини патогенетик механизмлари тўлиқ ўрганилмаган. Ўтказилган тадқиқотларда СЮЕ мавжуд беморларда

жигарда фиброз жараёнлари ривожланишида нейрогормонал омиллар билан бир қаторда организмнинг иммун тизимини фаоллашиши ҳамда тизимли яллиғланиш жараёнлари муҳим ўрин тутиши, шунингдек, ушбу жараёнлар кечишида яллиғланиш олди цитокинлари - интерлейкин (ИЛ) - 1, ИЛ - 6 ва альфа - ўсма некроз омили (α -ЎНО) фаол иштирок этиши асослаб берилган (Novoyatleva T., 2013, Кравченко А.Я., 2013, Камо Т., 2017). Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда этиологиясидан қатъий назар юзага келган СЮЕнинг юқори функционал синф (ФС) ларида қон зардобидаги яллиғланиш олди цитокинларининг миқдори юқори бўлиши исботланган (Гадаев А.Г., 2018, Курбанов А.К., 2020). Дарҳақиқат, СЮЕда ЧҚҚОФ ни пасайиши ҳисобига юзага келган тўқима гипоксияси ва қондаги эркин радикаллар миқдорини ошиши цитокинлар ишлаб чиқарилишини кўпайишига олиб келади. Бу эса периферик қон томирларнинг эндотелийга боғлиқ релаксацияси механизмларини бузилиши ва тўқималар гипоксиясини янада кучайишига сабаб бўлади (Moro-García MA et al., 2014, Rajendiran K. S., 2014). Бироқ, яллиғланиш олди цитокинларини нейрогормонал омиллар ўзаро таъсир механизми тўғрисидаги изланишлар СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст гемодинамик фенотипида етарли даражада бўлсада, касалликнинг оралик ва сақланган гемодинамик фенотипларида ушбу жараён чуқур ўрганилмаган. Келажакда ушбу жараёнларни хужайравий – молекуляр даражада ўрганиш СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларини муқобил даволаш самарадорлигини оширишда янги истиқболлар очади (Tarone G. et al., 2014, Toprak G. et al., 2013).

Маълумки, СЮЕнинг ҳар учала гемодинамик фенотипларида жигардаги функционал ва морфологик ўзгаришлар касалликнинг кечиши ҳамда оқибатлари билан чамбарчас боғлиқ (Braunwald E., 2015). Чунки, СЮЕда юракнинг шикастланиши, аъзо ва тўқималардаги гипоксия холати ҳамда гемодинамик ва гуморал бузилишлар жигарда нафақат функционал балки морфологик ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлади. Бу эса касаллик кечишини янада оғирлаштиради (Курбанов А.К., 2018). Бунда суст веноз димланиш, ишемия, артериал гипоксемия натижасида перевенуляр фиброз ривожланиб, жигарни кардиал циррози ва портал гипертензия ривожланади. СЮЕни оғирлашиб бориши оқибатида жигардаги патологик жараёнлар авж олиши, унинг меъёрий физиологик фаолиятини бузилиши, хусусан уни организмда ишлаб чиқиладиган эндотоксинларни нейтраллаш ҳусусияти пасаяди.

Шундай экан, СЮЕда ичаклардаги микроб - тўқима мажмуасини бузилишига муқобил таъсир этиш, уни юрак ремоделланиши кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, жигарни зарарсизлантириш фаолиятини қайта тиклаш ва муқобил даво усулларини тўғри танлаш буйича илмий изланишларни давом эттирилиши зарур ва долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214 - сон “Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2017 - 2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ичаклардаги микроб мажмуаси бузилишини иммун яллиғланиш тизимига таъсирини баҳолаш, уларни юрак ва жигар ремоделланиши кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш ҳамда касалликни даволашни муқобиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст, оралиқ ва сақланган гемодинамик фенотипларида ичак микробиоценозини аниқлаш ва уларни касалликни кечиши билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

СЮЕнинг турли гемодинамик фенотиплари ва ФСда қон зардобдаги эндотоксин, ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО миқдорларини аниқлаш ва уларни касалликни кечишига ўзаро ҳамжиҳатликдаги таъсирини баҳолаш;

СЮЕ турли гемодинамик фенотиплари ҳамда ФСда жигардаги гемодинамик бузилиш ва фиброз жараёнларини аниқлаш ҳамда уни касалликнинг кечишига таъсирини таҳлил қилиш;

СЮЕ мавжуд беморларда қон зардобдаги эндотоксин, ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО ни жигардаги патологик жараёнлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

СЮЕни муқобил даволаш негизида ичак микробиоти, қон зардобдаги эндотоксин, яллиғланиш олди цитокинлари, жигардаги фиброз жараёнлари динамикасини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллиги негизида ривожланган СЮЕнинг II ҳамда III функционал синфидаги 123 нафар бемор ва 20 нафар соғлом кўнгилли шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қонда аниқланган эндотоксин, галектин - 3, альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО, жигар марказий гемодинамикасини ультратовуш текшируви ва эластографияси, ЭХОКГ кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини олиб боришда клиник, биохимик, иммунофермент, ультратовуш, электро - ва эхокардиографик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ичак микробиотини бузилиш даражаси билан организмдаги эндотоксинемия, яллиғланиш олди цитокинлари ва фиброз маркерлари миқдорини ортиши ўзаро боғлиқлиги аниқланиб, улар ўртасидаги мусбат корреляцион алоқанинг ошиши касалликнинг функционал синфи (ФС) ортиб боришига ҳамоҳанглиги асосланган;

сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотипларида қон зардобдаги эндотоксин, галектин-3, альдостерон ва яллиғланиш олди цитокинлари миқдорини ошиши бир биридан фарқланиши, уларни юрак ремоделланиши ҳамда жигардаги фиброз жараёнлари фаоллиги билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилигида жигардаги фиброз жараёнларини эрта ташхислашда қон зардобдаги галектин - 3 ва альдостерон миқдорини аниқланиши ҳамда жигар эластографиясини ўтказилиши муҳимлиги асосланган;

илк бора сурункали юрак етишмовчилигини даволашда стандарт даво негизида антифиброз ва синбиотикларни қўлланилиши эндотоксинемия, яллиғланиш олди цитокинлари ва коллаген алмашинувида иштирок этувчи биологик маркерлар - галектин - 3 ва альдостерон миқдорини камайтириб, юрак ва жигардаги фиброз жараёнлари фаоллигини пасайиши, ичак микробиотини меъёрлашишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

СЮЕ мавжуд беморларда анъанавий комплекс клиник, лаборатор - асбобий текширишлар билан бир қаторда қон зардобадаги эндотоксин, галектин - 3, альдостерон миқдорини аниқланиши ҳамда жигар эластограммасини ўтказилиши аъзодаги фиброз жараёнларини эрта ташхислашда муҳим ўрин тутиши исботланган;

СЮЕ умум қабул қилинган стандарт даво мажмуасига антифибротик дори воситаси ва синбиотик дори воситаситалари қўшилиши фиброз жараёнлари фаоллигини пасайтириб, ичак микробиотини меъёрлашишига олиб келиши асосланган ва даво негизида беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати яхшиланиши ҳамда жисмоний юкламаларга чидамлилиги ошиши қайд этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширишларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги ва замонавийлиги, беморлар сонини етарлилиги, қўлланилган усулларни бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, иммунофермент, ультратовуш, электро - ва эхокардиографик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларини жигар фибрози ва ичак микробиотини текшириш орқали эрта ташхислаш ва муқобил даволаш такомиллаштирилганлиги, ҳулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тўзималар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида нишон аъзолари, хусусан жигардаги фиброз жараёнларини эрта ташхислаш мақсадида ичак микробиотининг бузилиши, қон зардобадаги эндотоксин, галектин – 3, альдостеронни аниқланиши ҳамда жигар марказий гемодинамикасини ультратовуш текшириш ва эластрографиясини ўтказиш касалликнинг кечишини баҳолаш, уни авж олиб бориши ва ноҳуш асоратлари ривожланишини олдини олишда муҳим ўрин тутиши исботланган бўлиб, ушбу кўрсаткичларни динамикада аниқланиши буюрилган патогенетик даво самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши юрак ва нишон аъзоларида гемодинамикани яхшиланиши, улардаги фиброз жараёнлари фаоллигини камайиши, касалликни декомпенсациясини олдини олиши билан намоён бўлиб, ушбу натижалардан шифохонага қайта ётиш ва умумий ўлим ҳолатларини олдини олиш, беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошиши, ўртача умр кўришини ўзайишига эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилигида жигардаги фибрози жараёнларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган:

сурункали юрак етишмовчилигида жигардаги фиброз жараёнларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали юрак етишмовчилигида жигардаги фиброз жараёнларини эрта аниқлаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 июндаги 8н-р/473-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотипларида нишон аъзолари, хусусан жигарнинг марказий гемодинамикаси ва ундаги фиброз жараёнлари бир биридан фарқланиши, ушбу ўзгаришларни эрта ташхислаш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотипларида ичак микробиоти, иммун яллиғланиш ва жигардаги фиброз жараёнлари касалликнинг гемодинамик фенотиплари билан муштараклиги аниқланган бўлиб, даволашда стандарт даво негизида ливерин ва микробаланс препаратини қўлланилиши олинган тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасини кардиология ва кардиореабилитация бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг 2 - марказий клиник шифохонасида амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 августдаги 08-09/9997-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотипларини муқобил даволаш, касалликни юзага келиши ва кечишида муҳим ҳисобланган фиброз жараёнлари фаоллигини пасайтириш, беморларнинг клиник ҳолати ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, уларнинг илмий ва амалий жиҳатлари ҳамда аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотиплари кечишини ўзига ҳослиги”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда СЮЕнинг турли гемодинамик фенотиплари юзага келиши ва кечишининг энг муҳим патогенетик бўғинлари, асосий текшириш ва даволаш тадбирлари, жумладан СЮЕ мавжуд беморларда ичак микробиотининг бузилиши натижасида эндотоксинемия, қон зардобидаги галектин – 3 ва альдостерон миқдорини ортиши касалликнинг гемодинамик фенотипларида турлича намоён бўлиши, уларга ҳамоҳанг тарзда юрак ремоделланиши ва жигар гемодинамикасини бузилиши ҳамда ундаги фиброз жараёнлари фаоллиги, уни касалликнинг гемодинамик фенотипларига муштарак ҳолда сифат ва миқдор жиҳатдан турличалиги ёритилган бўлиб, изчил изланишни талаб қилувчи саволлар жамланмаси белгиланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ишлаб чиқиш муҳимлигини асослаб берган.

Диссертациянинг **“Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотипларининг айрим патогенетик жиҳатларини текшириш материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотга 123 нафар СЮЕ ташхиси қўйилган беморлар ва 20 нафар кўнгилли соғлом шахслар жалб қилинди. СЮЕ ташхиси уларнинг шикоятлари, анамнези, объектив кўрик ва лаборатор - асбобий текширувлар асосида Стражеско - Василенко таснифи ҳамда унинг ФС Нью - Йорк кардиологлар уюшмаси (New - York Heart Association, 1964) мезонлари ва олти дақиқалик юриш синамаси орқали аниқланди.

Тадқиқотга жалб этилган беморларнинг клиник ҳолати ва марказий гемодинамика кўрсаткичларига қараб, 3 та гуруҳга бўлинди: 1 - гуруҳни 41 нафар (22 нафар - СЮЕ II ФС, ўртача $61,6 \pm 1,3$ ёш, 8 нафар эркак ва 14 нафар аёл; 19 нафар - СЮЕ III ФС, ўртача $65,3 \pm 2,6$ ёш, 9 нафар эркак ва 10 нафар аёл) чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚҚОФ) 40% дан паст, 2 - гуруҳни 38 нафар (18 нафар - СЮЕ II ФС, ўртача $65 \pm 1,9$ ёш, 14 нафар эркак ва 4 нафар аёл; 20 нафар - СЮЕ III ФС, ўртача $60,4 \pm 1,9$ ёш, 15 нафар эркак ва 5 нафар аёл) ЧҚҚОФ оралик (41- 49%), 3 - гуруҳни 44 нафар (21 нафар - СЮЕ II ФС, ўртача $65,1 \pm 1,7$ ёш, 12 нафар эркак ва 9 нафар аёл; 23 нафар - СЮЕ III ФС, ўртача $65,6 \pm 1,2$ ёш, 12 нафар эркак ва 11 нафар аёл) ЧҚҚОФ сақланган (>50%) СЮЕ мавжуд беморлар ташкил этди. Назорат гуруҳи 20 нафар соғлом кўнгилли шахслардан иборат бўлди. Беморларда СЮЕ билан хасталанганлик давомийлиги 2 - 6 йилни ташкил этиб, ўртача $2,7 \pm 1,1$ йилга тенг бўлди. Барча ҳолатларда СЮЕ ривожланишига ЮИК ва АГ сабаб бўлган. Беморларнинг 1 - гуруҳида 6 ой ва ундан олдин миокард инфаркти (МИ) ўтказганлар - 16 (39%), коронар томирларни стентлаш (КТС) ва аорта коронар шунтлаш (АКШ) амалиёти ўтказганлар - 5 (12,2%), ритм ва ўтказувчанлик бузилиши қайд этилганлар - 9 (21,9%), юрак аневризмаси (ЮА)

мавжуд беморлар 3 (7,3%) нафарни ташкил этди. Ушбу гуруҳда каморбид ҳолатлар, жумладан семизлик - 13 (31,7 %), камқонлик - 6 (14,6 %) нафар беморларда учради. 2 - гуруҳдаги беморларда 6 ой ва ундан олдин МИ ўтказганлар – 31 (81,6%), КТС ва АКШ амалиёти ўтказганлар - 5 (13,2%), ритм ва ўтказувчанлик бузилиши қайд этилган беморлар – 6 (15,8%), ЮА мавжуд беморлар 6 (15,8%) нафарни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг 13 (34,2%) нафарида семизлик ва 3 (7,9%) нафарида камқонлик аниқланди. 3 - гуруҳдаги беморларда 6 ой ва ундан олдин МИ ўтказганлар- 17 (38,6%), КТС ва АКШ амалиёти ўтказганлар – 4 (9,1%), ритм ва ўтказувчанлик бузилиши қайд этилган беморлар – 7 (15,9%), ЮА мавжуд беморлар 1 (2,3%) нафарни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг 14 (31,8%) нафарида семизлик, 2 (4,5%) нафарида камқонлик аниқланди.

Тадқиқотдаги беморларда барча текширувлар шифохонага ётқизилган дастлабки 3 кун ичида ва кейинги текширувлар 1, 3 ой проспектив кузатувдан сўнг ўтказилди. Дастлаб кузатувга олинган СЮЕнинг ҳар учала гемодинамик фенотипларидаги беморларни шикоят, анамнези, объектив кўригида уларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилиги баҳоланиб, уларнинг барчасида қон ва пешобнинг умумий таҳлили, қонни биокимёвий таҳлили, коагулограмма, липид спектри, иммунофермент таҳлил усулида қон зардобидаги эндотоксин, галектин - 3, альдостерон, яллиғланиш олди цитокинлари – ИЛ - 1, - 6, α - ЎНО миқдорий кўрсаткичлари фарқлари аниқланди. Шуниндек, ҳар учала гуруҳдаги беморларнинг йўғон ичаги микробиоти таркиби бактериологик усулда ўрганилди ва қиёсланди. Беморларнинг барчасида ЭКГ, ЭхоКГ текширувлари, зарур ҳолатларда ЭКГ холтер мониторинг текшируви ўтказилди ва уларнинг клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи ҳамда ҳаёт сифатини аниқлаш бўйича сўровнома тўлдирилди. Жисмоний юкламаларга чидамлилиги 6 дақиқалик юриш синамаси орқали аниқланди.

Кузатувдаги ҳар учала гуруҳ беморларининг клиник - функционал ҳолати, марказий гемодинамика ва қон зардобидаги нейрогормонал кўрсаткичлар баҳолангач, уларда буюрилган дори воситалари самарадорлигини таҳлил қилиш ва қиёслаш учун улар тасодифан рандомизирланиб, 2 гуруҳга бўлинди. 1 - гуруҳни 64 нафар (22 нафар ЧҚҚОФ паст, 20 нафар ЧҚҚОФ оралик ва 22 нафар ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ), 2 - гуруҳни 59 нафар (19 нафар ЧҚҚОФ паст, 18 нафар ЧҚҚОФ оралик ва 22 нафар ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ) СЮЕ мавжуд беморлар ташкил этди. Ҳар иккала гуруҳдаги беморларга Европа ва Россия кардиологлар уюшмаси тавсияси (2016) га асосан стандарт даво сифатида - ААФИ ёки АРА, β -АБ, МКРА буюрилди. Беморларда антифибротик восита - ливерин ва синбиотик препарат - микробаланс самарасини баҳолаш мақсадида 1- гуруҳдаги беморларга ливерин 600 мг - 2,0 мл вена ичига томчилаб, 7 кун, сўнгра 2 капсуладан кунига 3 маҳал 3 ой давомида, синбиотик сифатида микробаланс 1 капсуладан 1 маҳал 21 кун буюрилди. 2 – гуруҳдаги беморлар стандарт давони ўзини қабул қилдилар.

Кузатувда бўлган барча беморларнинг клиник ҳолати динамикаси қайта (амбулатор ва стационар) мурожаат пайтида ҳамда алоқа воситалари орқали баҳоланиб борилди. Тадқиқот якуни бўйича беморларнинг клиник ҳолати (КҲБШ

В.Ю.Мареев модификацияси бўйича, 2000), ҳаёт сифати (Миннесот сўровномаси) ва жисмоний юкламаларга чидамлилиги бДЮС орқали ўрганилди. Шу билан бир қаторда беморларда қоннинг клиник ва биокимёвий таҳлиллари, эндотоксин, Гал - 3, Альд, яллиғланиш олди цитокинлари, ЭКГ, кўкрак қафаси рентгенографияси, ЭхоКГ, УТТ, эластограмма текширувлари қайта ўтказилди.

Иммунофермент таҳлилларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика педиатрия илмий амалий тиббиёт марказининг лабораториясида Cobas - 6000 (Roche, Германия) асбобида бажарилди. Қон зардобидаги эндотоксин LAL (Limulus Amebocyte Lysate) синама реагентларидан фойдаланилган ҳолда хромоген усулда, галектин – 3 human Galectin - 3 ELISA (Германия), альдостерон “DBC Aldosterone ELISA” (Канада) реагентларидан фойдаланилган ҳолда иммунофермент таҳлили ёрдамида аниқланди. Қон зардобидаги яллиғланиш олди цитокинлари: ИЛ-1, ИЛ-6 ва α -ЎНО нинг миқдорий кўрсаткичлари “eBioscience (Bender Med Systems)” реагентларидан фойдаланилган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент текшируви ёрдамида аниқланди. Йўғон ичак микробиоти бактериологик усулда аниқланди.

ЭхоКГ текшируви трансторакал услубида «Филипс фирмаси» ускунасида 3,5 МГц ли датчикда амалга оширилди. Унда юракнинг структур тузилиши аниқ номоён бўлишини таъминлаш мақсадида беморнинг турли ҳолатида, М ва В тартибларда Америка эхокардиография уюшмаси (ASE, 2015) тавсияларига мувофиқ ўтказилди. Миокард тузилмавий геометрик ремоделланиши (А. Ganau.,1992) қуйидагича фарқланди: ЧҚ меъёрий геометрияси ЧҚМВИ=N, ЧҚДНҚ<0,42; концентрик гипертрофия ЧҚМВИ>N, ЧҚДНҚ>0,42; концентрик ремоделланиш ЧҚМВИ =N, ЧҚДНҚ >0,42; эксцентрик гипертрофия ЧҚМВИ >N, ЧҚДНҚ<0,42.

Гепатобилиар тизим (ГБТ) ни эхографик текшириш реал вақтда ишлайдиган «Филипс фирмаси» аппаратида 3,5 МГц тебранишли сектор механик ўзатгич ёрдамида амалга оширилди. Бунда ГБТнинг топографияси, ҳажми (шакли, контурлари, ўлчами, пастки қирғоқ бурчаклари) ва эхоманзараси (эхогенлиги, товуш ўтказувчанлиги, капсуласи, паренхимаси, ўт йўллари, жигар ичи томирлари) аниқланди.

Жигар қон томир тизим доплерофлауметрияси Abu-Youseff (1992) усули бўйича электрон - селектор ўзатгичда бажарилди. Текширув эрталаб наҳорда амалга оширилди. V. portae ўнг қовурға ости соҳасида VIII - X қовурғалар оралиғида кўндаланг кесимда визуализацияланиб, унинг диаметри жигарга кириш қисмида ўлчанди. Текширувда жигар қон томирлари сони ва кўриниш даражаси уларни пастки ковак венага қуйилишига 1-2 см қолганда визуализацияланди. Юқоридаги қон томирларни диаметри ва тўғри чизиқли қон оқим тезлиги бемор нафас чиқармай турган ҳолатда қайд этилди. Чунки, ушбу ҳолатда томир тизимидаги ўртача тўғри чизиқли қон оқиш тезлиги нисбатан бир меъёрида бўлади. Шунингдек, жигар артерияси (a. hepatica) диаметри ўлчанди. Текширувда жигар артерияси ва дарвоза венаси ўзанидаги максимал систолик (Vps) ва сўнгги диастолик қон

оқими тезлиги (Ved), пульсация (PI) ҳамда периферик қаршилик (RI) индекслари ўрганилди.

Жигар эластограммаси реал вақт тартибида бемор таом истеъмол қилганидан кейин 4-6 соат ўтгач, оч қоринда ўтказилди. Чунки, бемор овқатлангандан сўнг жигарда қон оқимининг ошишига жавобан уни қаттиқлиги бирмунча ўзгариши мумкин. Текширишда жигарда аниқланган фиброз ўзгаришлар METAVIR (Meta - analysis of histological data in viral hepatitis) шкаласи бўйича баҳоланади (1 - жадвал).

1 - жадвал

METAVIR шкаласи бўйича фиброз босқичлари

Фиброз даражаси	Жигарни ўртача қаттиқлиги, КПа	Босқичлари
Йўқ	<5,8	F 0
Енгил	5,9 – 7,2	F 1
Ўрта оғир	7,3 – 9,5	F 2
Оғир	9,6 – 12,5	F 3
Жуда оғир - цирроз	> 12,5	F 4

Жигар эластометриясида Метавир шкаласи бўйича жигарнинг ўртача қаттиқлиги 5,8 КПадан кичик бўлганда, фиброз жараёнлари ривожланмаган деб ҳисобланилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2010) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Сифат белгилари гуруҳларда учраши гуруҳлараро тафовутни Хи квадрат мезонини қўллаб баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг “**Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотипларида ичак микробиоти, иммун – яллиғланиш ва жигар фибрози динамикасини баҳолаш**” деб номланган учинчи бобда 123 нафар СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст, оралик ва сақланган гемодинамик фенотипларида юракнинг марказий ва жигар гемодинамикаси, ичак микробиотини бузилиши, дисбиоз даражаси, қон зардобадаги эндотоксин, галектин-3, альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6 ва α -ЎНО миқдорий кўрсаткичлари, жигар эластографияси натижалари қиёсий ўрганилди. Шунингдек, тадқиқотга жалб этилган беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ҳамда жисмоний юкламаларга чидамлилиги фарқланди.

1-гуруҳдаги беморларда ЧҚҚОФ $35,9 \pm 0,4\%$ ни ташкил этиб, 2 - ва 3 - гуруҳдагиларга нисбатан мос равишда 9,5 ва 20,6% га камайганлиги маълум бўлди ($p < 0,001$). 1-гуруҳдаги беморларда СДЎ ва СДХ 2 - ва 3 - гуруҳдагиларга нисбатан мос равишда 9,6 ($p < 0,001$) ҳамда 16,6 ($p < 0,01$) % ва 28,3 ($p < 0,001$) ҳамда 56,3 ($p < 0,001$)% га ошди. Ушбу гуруҳдаги беморларда ССЎ ва ССХ 2 - ва

3 - гуруҳдаги беморлар кўрсаткичларига қараганда мос равишда 14,2 ($p < 0,001$) ҳамда 37,1 ($p < 0,001$) % ва 55,5 ($p < 0,001$) ҳамда 145,1 ($p < 0,001$)% га кўпайди. 1-гуруҳдаги барча беморларда ЧҚнинг эксцентрик гипертрофияси (ЭГ), 2-гуруҳдаги беморларнинг 29 нафариди ЧҚ концентрик гипертрофияси (КГ), 9 нафариди ЭГ, 3-гуруҳдаги беморларнинг 29 нафариди КГ ва 15 нафариди ЭГ аниқланди. 3- гуруҳдаги беморларда ҚТК, ЧҚОДҚ ва ЧҚДНҚ 1 – гуруҳга нисбатан мос равишда 6,7 ($p < 0,001$), 9,7 ($p < 0,001$) ва 29,4 ($p < 0,001$)%га ошиб, ушбу гуруҳда ЧҚГ белгилари яққолроқ ривожланганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичларни 2 - гуруҳдаги беморларда 1-гуруҳга қараганда мос равишда 5,7 ($p < 0,05$), 9,8 ($p < 0,001$) ва 42,4 ($p < 0,001$)%га юқорилиги аниқланди.

Демак, ЧҚҚОФ паст СЮЕ мавжуд беморларда юрак ремоделланиши ЭГ типиди намоён бўлиши, касалликнинг сақланган гемодинамик фенотиپиди ЧҚнинг КГ яққол ривожланганлиги маълум бўлди. ЧҚҚОФ оралиқ СЮЕда юрак ремоделланиши касалликнинг паст ва сақланган гемодинамик фенотиплари оралиғидаги ҳолатда бўлиши аниқланди.


Бактериологик таҳлил натижларига кўра, кузатувдаги ҳар учала гуруҳдаги беморларда ичак микробиотининг таркиби назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамиятли даражада ўзгарганлиги аниқланди. Бунда ЧҚҚОФ паст СЮЕ мавжуд беморларнинг II ҳамда III ФСда меъёрий облигат ичак микрофлораси – бифидобактерия (Б), лактобацилла (Л) ва лактозапозитив (Лп) ичак таёқчаларини референс кўрсаткичларга қараганда мос равишда $4,8 \times 10^8$ дан $1,1 \times 10^7$ ҳамда $4,7 \times 10^6$ ($p < 0,01$), $1,6 \times 10^8$ дан $2,4 \times 10^7$ ($p < 0,01$) ҳамда $9,0 \times 10^6$ ($p < 0,001$) ва $1,1 \times 10^8$ дан $6,3 \times 10^6$ ($p < 0,01$) ҳамда $9,2 \times 10^5$ ($p < 0,001$) КОЕ/г га камайганлиги, аксинча факультатив, шартли патоген ҳисобланган микрофлора - ичак таёқчасининг лактозанегатив (Лн) шакли, энтеробактерия (Э), стафилококк (С) ва замбуруғ (З) ларни мос равишда $2,0 \times 10^4$ дан $7,0 \times 10^6$ ҳамда $8,1 \times 10^7$ ($p < 0,05$), $5,3 \times 10^3$ дан $7,6 \times 10^5$ ҳамда $6,9 \times 10^6$ ($p < 0,05$), $6,0 \times 10^3$ дан $5,1 \times 10^5$ ($p < 0,01$) ҳамда $1,2 \times 10^5$ ($p < 0,001$) ва $4,1 \times 10^3$ дан $3,1 \times 10^4$ ($p < 0,05$) ҳамда $5,0 \times 10^4$ ($p < 0,01$) КОЕ/г га ошганлиги аниқланди.

ЧҚҚОФ оралиқ СЮЕ мавжуд беморларнинг II ҳамда III ФСда меъёрий облигат ичак микрофлораси - Б, Л ва Лп ичак таёқчаларини референс кўрсаткичларга қараганда мос равишда $4,8 \times 10^8$ дан $2,1 \times 10^7$ ($p < 0,01$) ҳамда $4,6 \times 10^6$ ($p < 0,01$), $1,6 \times 10^8$ дан $2,9 \times 10^7$ ($p < 0,01$) ҳамда $8,1 \times 10^6$ ($p < 0,001$) ва $1,1 \times 10^8$ дан $1,6 \times 10^7$ ($p > 0,05$) ҳамда $8,3 \times 10^5$ ($p < 0,001$) КОЕ/г га камайганлиги, аксинча ичак таёқчасининг Лн шакли, Э, С ва З ларни мос равишда $2,0 \times 10^4$ дан $4,4 \times 10^6$ ҳамда $6,4 \times 10^6$ ($p < 0,05$), $5,3 \times 10^3$ дан $5,3 \times 10^5$ ҳамда $4,4 \times 10^6$ ($p < 0,05$), $6,0 \times 10^3$ дан $2,9 \times 10^5$ ($p < 0,05$) ҳамда $3,0 \times 10^5$ ($p < 0,05$) ва $4,1 \times 10^3$ дан $2,8 \times 10^4$ ($p < 0,05$) ҳамда $3,7 \times 10^4$ ($p < 0,01$) КОЕ/г га ошганлиги аниқланди.

ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ мавжуд беморларнинг II ҳамда III ФСда Б, Л ва Лп ичак таёқчаларини референс кўрсаткичларга қараганда мос равишда $4,8 \times 10^8$ дан $3,3 \times 10^7$ ($p < 0,01$) ҳамда $2,0 \times 10^7$ ($p < 0,01$), $1,6 \times 10^8$ дан $6,3 \times 10^7$ ($p < 0,05$) ҳамда $3,6 \times 10^7$ ($p < 0,01$) ва $1,1 \times 10^8$ дан $2,4 \times 10^7$ ($p > 0,01$) ҳамда $1,2 \times 10^5$ ($p < 0,01$) КОЕ/г га камайганлиги, ичак таёқчасининг Лн шакли, Э, С ва З ларни мос равишда $2,0 \times 10^4$ дан $3,9 \times 10^6$ ҳамда $2,5 \times 10^6$ ($p < 0,05$), $5,3 \times 10^3$ дан $2,7 \times 10^5$ ҳамда $3,2 \times 10^5$

($p < 0,05$), $6,0 \times 10^3$ дан $3,5 \times 10^5$ ($p < 0,05$) ҳамда $3,2 \times 10^5$ ($p < 0,01$) ва $4,1 \times 10^3$ дан $1,2 \times 10^4$ ($p < 0,01$) ҳамда $2,7 \times 10^4$ ($p < 0,05$) КОЕ/г га ошганлиги аниқланди.

Кузатувдаги 1-гурӯҳ беморларининг 1 нафари (2,4%) да нормобиоценоз, 14 нафари (34,1%) да дисбиоз I даражаси, 19 нафари (46,3%) да дисбиоз II даражаси, 7 нафари (17,1%) да дисбиоз III даражаси аниқланди. 2 - ва 3 - гурӯҳда мос равишда нормобиоценоз 2 (5,2%) ва 6 (13,6%), дисбиоз I даражаси 14 (36,8%) ва 18 (40,9%), дисбиоз II даражаси 17 (44,7%) ва 17 (38,6%), дисбиоз III даражаси 5 (13,2%) ва 3 (6,8%) нафар беморларда аниқланди (1 - расм).



1 - расм. Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ва назорат гурӯҳидаги шахсларда ичак микробиоти таркибининг бузилиши ҳолати, %.

Кузатувдаги 1 - гурӯҳ беморларида ичак микробиотининг таркиби 2 - ва 3 - гурӯҳдаги беморларга нисбатан кўпроқ бузилган бўлиб, ушбу гурӯҳда нормобиоценоз (мос равишда 5,2 ва 13,6 га қарши 2,4%, $p < 0,05$) энг кам, дисбиоз II ва III даражалари (мос равишда 44,7 ва 38,6 га қарши 46,3% ҳамда 13,2 ва 6,8га қарши 17,1%, $p < 0,05$) кўпроқ учраши аниқланди. Шунингдек, касалликнинг ФС ошиб боришига ҳамоҳанг ичак дисбиоз даражаси ошиб бориши, бунда меъёрий облигат микрофлорани камайиши, факультатив анаэроб микрофлора, хусусан грамманфий микроорганизмлар – ичак таёқчасининг Лн шакли, Э, С ва З ларни ортиши аниқланди.

Демак, СЮЕ мавжуд беморларда нафақат юрак - қон томир тизими, балки йўғон ичакда ҳам қатор ўзгаришлар юзага келади. СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида ичак микробиотининг таркибини бузилиши бир биридан фарқ қилиб, касалликнинг ЧҚҚОФ паст гемодинамик фенотипида унинг оралиқ ва сақланган фенотипига нисбатан дисбиоз даражаси юқори бўлиши, бунда ҳар учала гурӯҳларда ҳам меъёрий анаэроб микрофлоранинг камайиши ҳамда шартли патоген, хусусан грамманфий микрофлоранинг ортиши аниқланди. Шунингдек, ичак микробиотининг бузилиши даражаси СЮЕнинг ФС ошиб боришига ҳамоҳанглиги маълум бўлди. Бу эса қон зардобидаги эндотоксинемия даражасини ортишига олиб келиши, иммун яллиғланиш жараёнларини фаоллашишига сабаб бўлади.

Кузатувда бўлган ҳар учала гурӯҳдаги беморларнинг қон зардобидаги эндотоксин миқдори референт кўрсаткичларга нисбатан юқорилиги, ушбу

ҳолат ЧҚҚОФ паст СЮЕ мавжуд беморларда яққол намоён бўлганлиги, шунингдек эндотоксинемия даражаси касалликнинг оғирлик даражаси билан ҳамоҳанг эканлиги маълум бўлди ($p < 0,05$).

Барча гуруҳдаги беморларида эндотоксинемияни ичак дисбиози даражаси билан ишончли корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Хусусан, Б, Л ва Лп эшерихияларни камайиши билан эндотоксинемия ўртасида манфий ўртача ва кучли, Лн ичак таёқчаси, Э,С ва З миқдори билан ўртача ва кучли мусбат корреляцион боғлиқлик қайд этилди ($p < 0,05$; $p < 0,01$).

Демак, СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст гемодинамик фенотипида юракнинг инотроп хусусиятини пасайиши ҳисобига барча аъзолардаги каби ичакларда ҳам димланиш, шиш ва гипоксия жараёни содир бўлиб, ичак дисбиозига сабаб бўлади. Бу эса меъёрий облигат микроорганизмларни камайиши, шартли патоген микроорганизмларни кўпайишига олиб келиб, ичак девори ўтказувчанлигини ошириши ҳисобига эндотоксинларни қонга сўрилишига сабаб бўлади. Юқорида аниқланган ўзаро корреляцион боғлиқлик ушбу жараёнларни яна бир бор тасдиқлади.

Кузатувдаги хар учала гуруҳдаги беморларда эндотоксин миқдори касалликнинг оғирлик даражасига ҳамоҳанг тарзда ошиб бориши ИЛ-1, -6 ва α -ЎНО кабиларни қон зардобидидаги миқдорини референт кўрсаткичларга нисбатан статистик ишонарли даражада ортишига олиб келиши аниқланди (2-жадвал).

2 – жадвал

СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида эндотоксин ва яллиғланиш олди цитокинларини кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=20	ЧҚҚОФ паст СЮЕ		ЧҚҚОФ оралик СЮЕ		ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ	
		II ФС n=22	III ФС n=19	II ФС n=18	III ФС n=20	II ФС n=21	III ФС n=23
Эндотоксин, ЭБ/мл	0,13 [0,07;0,21]	3,0* [0,9; 3,9] ###	3,6 [2,5; 4,5] *; ###; ###	1,9* [0,8; 2,8] #	2,5* [1,1; 3,1] ##; ###	1,5* [0,6; 1,9]	1,7* [0,7; 2,4] ≠
ИЛ-1, нг/мл	1,6 [1,1; 3,6]	18,9* [14,2; 24,2]	23,9* [19,4; 30,2] ###	16,7** [7,6; 21,4]	21,5** [17,1; 27,6] ###	14,9** [7,9; 22,2]	18,3** [13,8; 23,2] ###
ИЛ-6, нг/мл	1,8 [1,5; 4,2]	19,6* [18,2; 22,1]	23,7* [16,6; 29,4] ###	15,8** [9,2; 19,3]	20,9** [14,2; 25,8] ###	13,9** [7,9; 19,5]	17,4** [11,7; 19,6] ###
α -ЎНО, нг/мл	1,4 [0,9; 3,4]	13,5* [7,2; 16,8]	19,8* [15,2; 24,7] ###	11,0** [5,8; 15,8]	16,0** [11,4; 18,7] ###	8,8** [4,3; 13,5]	12,7** [7,9; 15,4] ###

Изоҳ: * - СЮЕ II - III ФС беморларининг кўрсаткичларини референт кўрсаткичлар билан фарқи ишончилиги: * - $p < 0,001$; ** - $p < 0,000..$; ≠ - СЮЕ II ФС ва III ФС кўрсаткичлари фарқи ишончилиги: ≠ - $p < 0,05$; ## - $p < 0,01$; ### - $p < 0,001$, # - гуруҳлардаги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: # - $p < 0,01$; ## - $p < 0,001$; ### - $p < 0,000..$;

ЧҚҚОФ паст СЮЕ мавжуд беморларнинг II ҳамда III ФСда қон зардобидаги ИЛ-1, -6 ва α -ЎНО миқдори референт кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 11,8; 10,9 ва 9,9 ҳамда 14,9; 13,7 ва 14,4 баробар ишонарли даражада юқорилиги қайд этилди ($p < 0,001$). Шунингдек, уларни қон зардобидаги миқдори касалликнинг оғирлик даражасига ҳамоҳанг эканлиги, хусусан, ИЛ-1, -6 ва α -ЎНО миқдорлари касалликнинг III ФСда II ФСга нисбатан мос равишда 26,4, 26,0 ва 45,3% га ошганлиги аниқланди ($p < 0,001$).

Касалликнинг оралик ҳамда сақланган гемодинамик фенотипларида ҳам қон зардобидаги ИЛ-1, -6 ва α -ЎНО миқдори мос равишда референт кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 10,4 – 13,4, 11,3 – 11,6 ва 7,9 – 11,4 ($p < 0,000$) ҳамда 9,3 – 11,4, 7,7 – 9,7 ва 6,3 – 9,1 баробар ($p < 0,000$) юқорилиги қайд этилди. Шунингдек, уларнинг қон зардобидаги миқдори касалликнинг оғирлик даражасига ҳамоҳанг эканлиги аниқланди ($p < 0,001$).

Тадқиқотга жалб этилган беморларда қон зардобидаги эндотоксинемиянинг даражаси СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида бир биридан фарқ қилди. Унинг қон зардобидаги миқдори СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст гемодинамик фенотипида касалликнинг оралик ва сақланган гемодинамик фенотипларига нисбатан статистик ишонарли даражада юқори бўлиб, уни айнан ушбу гуруҳдаги беморларда марказий гемодинамик кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлиги юқорилиги маълум бўлди. Шунингдек, касалликнинг ҳар учала гемодинамик фенотипларида эндотоксинемия даражасини СЮЕнинг оғирлик даражаси билан ҳамоҳанглиги қайд этилди.

Кузатувдаги ҳар учала гуруҳ беморларида қон зардобидаги эндотоксинемия даражасини яллиғланиш олди цитокинлари билан ўртача ва кучли мусбат корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу боғлиқлик касалликнинг оғирлик даражасига ҳамоҳанг бўлиб, уни касалликнинг юқори ФСда зичлашиши қайд этилди ($p < 0,001$). Демак, СЮЕ мавжуд беморларда ичак дисбиози ҳисобига юзага келган эндотоксинемия яллиғланиш олди цитокинлари билан ўзвий боғлиқ ҳолда касалликнинг авж олиб боришида бевосита иштирок этади. Кузатувдаги беморларда касалликнинг юқори ФС да ушбу боғлиқликни янада зичлашиши эндотоксинемияни СЮЕнинг патогенезида муҳим ўрин тутишини яна бир бор исботлади.

Беморларда жигар гемодинамикаси бир биридан фарқ қилди. Бунда тадқиқотга жалб этилган ҳар учала гуруҳдаги беморларда дарвоза венасида димланиш юзага келиши аниқланди, бу ҳолат унинг диаметрини референс кўрсаткичларга нисбатан статистик ишонарли даражада ошиши, ундаги қон оқими (систолик ва сўнгги диастолик) тезлигини ишонарли даражада камайиши билан намоён бўлди. Шунингдек, СЮЕнинг ҳар учала гемодинамик фенотипларида дарвоза венасидаги димланиш жараёни касалликнинг оғирлик даражасига ҳамоҳанг эканлиги қайд этилди. Олинган маълумотларга кўра, СЮЕ мавжуд беморларда жигарда нафақат веноз димланиш, балки уни артериал қон билан таъминланишини ҳам бузилиши, хусусан жигар артериясида периферик қаршилик ва пульсация индексини ошиши ҳамда периваскуляр фиброз жараёнлари ҳисобига қон оқимини секинлашиши қайд этилди. Юқоридаги жараёнлар касалликнинг ЧҚҚОФ паст гемодинамик фенотипида унинг оралик ва

сақланган фенотипига нисбатан яққол намоён бўлиши, касалликнинг оғир ФС хамда декомпенсация босқичида бу жараён янада кучайиши аниқланди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз жигардаги фиброз жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичлар билан катта қон айланиши доирасидаги тизимли димланиш, хусусан юрак ўнг бўлимининг зўриқиши ва ўпка артериясидаги босимнинг ошишини ўзаро боғлиқлигини ўргандик. Назорат гуруҳидаги амалий соғлом шахсларда жигарни қаттиқлиги $5,2 \pm 0,1$ кПа, Метавир шкаласи $0,25 \pm 0,1$ ни ташкил этди (3 - жадвал).

3 – жадвал

СЮЕ нинг гемодинамик фенотипларида жигардаги фиброз жараёнларини юракнинг ўнг бўлимига боғлиқ гемодинамик ўзгаришлари билан боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=20	ЧҚҚОФ паст СЮЕ		ЧҚҚОФ оралик СЮЕ		ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ	
		II ФС n=22	III ФС n=19	II ФС n=18	III ФС n=20	II ФС n=21	III ФС n=23
